# УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА НАЗОРАТНИНГ АҲАМИЯТИ

**Л.РУСТАМОВ, Ў.УМРЗОҚОВ**

*В статье представлены результаты непрерывной педагогической практики студентов, проводившейся за весь период обучения в вузе. Обосновывается целесообразность данного мероприятия в процессе подготовки педагогических кадров. Особо отмечается значение постоянного контроля за её прохождением студентами-практикантами.*

*The article contains the results of controlling the uninterrupted pedagogical practice of students during their studies at the university. The author stresses the importance of this process in preparing the teaching staff for the educational institutions.*

Бўлажак ёш ўқитувчи-мутахассиснинг касбга кириб бориши ва ўқитувчи фазилатларини ўрганиши, асосан, педагогик амалиёт жараёнида амалга ошади. Бунда унинг бутун фаолияти қаттий назоратда бўлади ва баҳоланади

Педагогик амалиётнинг тўлақонли бўлиши кўп жиҳатдан талаба-амалиётчилар фаолияти ва унинг натижаларини ўз вақтида ва ҳар томонлама назорат қилиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу жараёнда барча раҳбарлар ва талаба-амалиётчилар иштирок этади. Ушбу тизимда амалиёт даврида талаба-амалиётчиларнинг бирбирларини ва ўзини назорат қилишларига муҳим аҳамият берилади. Амалиётчи-талабалар гуруҳида назорат методист томонидан тузилган график асосида амалга оширилади. Бунда методист томонидан амалга ошириладиган индивидуал, гуруҳли назорат ва амалиётчиларнинг бирбирининг машғулотларига ташриф буюришлари кўзда тутилади.

Ёш ўқитувчиларни юқори даражада сифатли тайёрлаш учун амалиётнинг бутун ўқиш давомида ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, биз тажриба қилаётган 2-босқич талабалари билан ўқишдан озод қилинган ҳолда “ўқув амалиёт”и, 3-босқич талабалари билан йил давомида ўқишдан озод қилинмаган ҳолда “малакавий амалиёт”, 4-босқич талабалари билан ўқишдан озод қилинган ҳолда малакавий-педагогик амалиётни олиб бориш натижалари бу фикри исботлайди.

Педагогик амалиёт жараёнида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда маълум бўлдики, талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятга тайёргарликларини назорат қилиш тўрт босқичли тизм бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқичда материални умумий ўзлаштиришлари баҳоланади (дастурлаштирилган назорат ёрдамида).

Икинчи босқичда чуқурлаштирилган (шахсий) билимлар (тушунча, тузилиши, ўзаро боғлиқлиги, амалий қўллаш) олинади.

Учинчи босқич талабаларнинг таянч ташкилотда ҳақиқий шароитда касбий масалаларни ҳал қилиш малакаларини акс эттиради (дарс ёки ўқув-машқ машғулотларини режалаштириш, бир қисмини ўтказиш, хатоларни тузатиш, машқлар тўпламини тузиш ва шу кабилар).

Тўртинчи босқич яхлит касбий фаолиятни амалга ошириш даражасини акс эттиради (дарслар ҳамда синфдан ташқари ва мактабдан ташқари турли шаклдаги ишларни ўтказиш).

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, назарий машғулотлардан методик машғулотларга, кейин ўқув амалиётига ва ҳақиқий фаолиятга мақсадли тарзда ўтиш баъзи талабаларга иккинчи ва учинчи курсдаёқ тўртинчи босқич малакаларини, яъни мустақил равишда дарсларни ва ўқувчи кун тартибида турли спорт ишларини ўтказиш малакаларини шакллантиришларига имкон берди.

Дарсни (жисмоний тарбия, ўқув-машқ машғулотларини) гуруҳли таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Унда амалиётчининг иш фаолияти ва ҳаракатларини мустақил таҳлил қилишни билиши жуда муҳим .

Дарсни гуруҳли таҳлил қилиш талабани ўз дарс натижаларини таҳлил қилишга, педагогик малакаларини оширишга, педагог сифатида хулқини баҳолашга ўргатади. Педагог ўз фазилатини таҳлил қила билиши жуда муҳим ва зарур.

Ўзини таҳлил қилиш жараёнида бир қисм талабалар ўзларини ортиқча баҳоласалар, яна бир қисми паст баҳолайдилар ва бу ҳолат уларнинг касбий шаклланишини қийинлаштиради. Аммо кўпчилик талабалар ҳисоботларида “назорат қилишнинг мана шу шакли хато ва камчиликларни тезда йўқотишга имкон беришини”таъкидлайдилар.

Тадқиқотимизда қўлланган назорат шаклларидан бири гуруҳ ичида амалга ошириладиган ва гуруҳлараро бир-бирларига ташриф буюриш ҳисобланади. Бир-бирларига ташриф буюришда дарсларни таҳлил қилиш ёки бошқа тадбирлар ўтказилади. Амалиётчи ўзини бошқа амалиётчи билан солиштиради, хатоларини кўради, уларни тузатиш йўлларини таклиф этади, педагог сифатида ўсади. Натижада талабалар ўз касбий фаолиятларини тузатишни амалга оширадилар. Кундаликларида талабалар бундай ташрифларнинг ижобий томонларини қайд этадилар.

Педагогик амалиёт даврида талабаларнинг бўлажак иш жойларидаги фаолиятлари янада фаол ва мустақил хусусиятга эга бўлади. Уларнинг муваффақияти чуқур дастлабки ҳар томонлама тайёргарлик, ўз ҳаракатларини таҳлил қилиш ва тузата олишга боғлиқ бўлади.

Тадқиқотлар натижасида педагогик амалиёт жараёнида талабаларда педагогик маҳоратни шакллантириш мақсадида назоратдан фойдаланишга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар аиқланди. Улар қуйидагилардан иборат:

- педагогик назорат техникаси ва методикаси соҳасида махсус билим ва малакаларнинг етишмаслиги;
- жисмоний тарбия ҳамда педагогика назарияси ва методика бўйича билимларнинг тўла эмаслиги;
- тегишли билимларни мустақил қўллашни, юзага келган педагогик имкониятлардан келиб чиқиб уларни ижодий кенгайтириш ва чуқурлаштиришни билмаслик;
- ўз шахсий касбий фаолиятини ва бошқаларнинг фаолиятларини ҳар томонлама танқидий англаб етиш эҳтиёжининг йўқлиги;
- методистларнинг касбий малакалари етишмаслиги, педагогик маҳоратни шакллантириш учун назоратнинг муҳимлигини тушунмасликлари.

Педагогик назорат соҳасида махсус билим ва малакалар машғулотларда фақат қисман ўзлаштирилади. Шу сабали педагогик назорат мазмуни, шакли ва методикасини ўзлаштириш ва ўзини назорат қилишга ўргатишни таминловчи талаба-амалиётчилар учун махсус алгоритмик методик ишланмалар муҳим аҳамиятга эга. Фақат талабалар фаолияти эмас, балки методистлар фаолиятини назорат қилиш муҳим. У методистлар фаолиятини йўналтириш, хатоларини тез тузатиш, зарур бўлганда ёрдам бериш имконини беради. Бу амалиётда биринчи бор ишлаётган методистлар учун жуда зарур. Назорат амалиётчи ва методистлар интизомини мустаҳкамлайди, ўз фаолияти учун масъулиятни оширади, педагогик амалиётдан манфаатдорликни ҳис қилишга имкон беради.

Педагогик амалиёт учун масъул кафедра ўқитувчиси ҳам ихтисослиги бўйича талабаларнинг фаолиятларини таҳлил қилиб назоратни амалга оширади. У спорт турига ўқитиш методикаси, режалаштириш, умумий масалалар бўйича тавсиялар, маслаҳатлар беради.

Ректорат, педагогик амалиёт бўлими, методик коммисиялар педагогик амалиётга тегишли кафе-

дралар амалиётни ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қиладилар, мажлислар ва йиғилишларда педагогик амалиётга тайёргарлик, педагогик амалиётнинг бориши масалаларини тинглайдилар, йўналтирувчи ва якуний конференцияларда, педагогик амалиётни ҳимоя қилишда иштирок этадилар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг педагогик амалиётда бўлажак мутахассисларни ижтимоий талабга мос тайёрлашини таъминловчи омил тегишли маданий-маънавий қиёфаси билан бирга, психологик-педагогик ва фан бўйича билим-малакаларининг юқори даражасидан иборатдир.

Жисмоний тарбия олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарликларида амалиёт ўқитувчи-методистлари муҳим роль ўйнайдилар. Шу билан бирга, ушбу мутахассисликни мураккаб касблар гуруҳига киритиш мумкин, чунки педагогик фаолиятга тайёргарликдан ташқари у жисмоний тарбия, математика ёки бошқа бир аниқ соҳа мутахассиси ҳам ҳисобланади.

Таълим тизимини янгилаш ўқитувчи-методистларнинг касбий мустақиллигини оширишни, уларга педагогик жараённи ташкил этиш, таълим, назорат шакл ва методларини танлаш ҳуқуқининг берилишини ҳам назарда тутади. Бу эса жисмоний тарбия бўлажак мутахассисларини тайёрлаш касбий амалиётида ўқитувчи-методистлар масъулият даражасини оширади.

Касбий-педагогик фаолият фақат ўқитувчи-методист фаоллиги шакли сифатида қарали ши мумкин эмас. У талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятни ва коммуникатив муносабатларни кўзда тутади. Касбий-педагогик фаолият маҳсулдорлиги ўқитувчи-методист ва талабанинг фаол ижодий ҳамкорлиги билан боғлиқ бўлади.

Амалиёт ўқитувчи-методисти касбий салоҳиятини ўзаро боғлиқ бўлган блоклар кўринишида тасаввур қилиш мумкин: педагогик амалиёт, педагогик мулоқот, ўқитувчи-методистнинг шахси, ўқитувчи-методист-тарбиячи. Блокларнинг ҳар бирида касбий малакалар фарқланади. Методик ишлар мазмуни илмий-методик семинар дастури сифатида тузилган, ташкилий шакли фаолият мазмунига мос ва ягона мақсадга йўналтирилган блоклардан ташкил топади.

Ўқитувчи-методистлар касбий малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган методик ишларни амалга ошириш қуйидагиларга ёрдам беради:

- педагогик амалиётни қўйилган талабларга мос амалга оширишни таъминловчи касбий малакларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- ўзига адекват баҳо беришни шакллантириш ва шу асосда ўқитувчи-методистларнинг касбий шаклланиш ҳамда ўзларини ривожлантиришларини бошқариш;
- ўқитувчи-методистларнинг ўзларини касбий такомиллаштиришлари ўсиши.

Шундай қилиб, касбий салоҳиятининг ривожланиши бўлажак мутахассисларни тайёрлашда иштирок этувчи ўқитувчилар фаолиятининг муваффақияти таъминланади.

**Адабиётлар:**

1. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.-Б.64
2. Сайидаҳмедов Н. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001
3. Абдулина О. Мониторинг качества профессиональной подготовки. // Высшее образование в России.- 1988.- №3.- С.35
4. Абдулина О.А. Загряскина Н.Н. Педагогическая практика студентов. Учеб. Пособие. 2-е изд, перераб, доп.- М.: Просвещение, 1989
5. Авксентьев Е.Н. Формирование готовности студентов педагогических вузов физкультурно-спортивной деятельности.: Автореф. дисс.…канд. пед.наук.- Чебоксары, 2000

*Тошкент давлат педагогика университети,*
*Андижон давлат университети,*
*2012 йил 12 ноябрда қабул қилинган*